

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019 Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРСУНҚУЛОВ ЭЛМУРОД АЗЗАМҚУЛОВИЧ**

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА  
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ-2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doktor philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Турсункулов Элмурод Аззамкулович**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқариш механизмларини

такомиллаштириш.....3

**Турсункулов Элмурод Аззамкулович**

Совершенствование механизмов управления в сфере физического воспитания

и спорта.....33

**Tursunqulov Elmurod Azzamqulovich**

Improving the management of physical culture and sports spheres on the basis of

innovative technologies.....61

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....65

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019 Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРСУНҚУЛОВ ЭЛМУРОД АЗЗАМҚУЛОВИЧ**

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА  
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ-2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В 2021.4. PhD/Ped 393 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюми)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.jtsu.uz](http://www.jtsu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот таълим порталига [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:**

**Тўхтабоев Низомжон Турсуналиевич**  
педагогика фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Тажибаев Сойиб Самижонович**  
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

**Умаров Джамшид Хасанович**  
педагогика фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети** ҳузуридаги DSc.03/30.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "18" Март куни соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19 уй. Тел: (0-370) 717-17-79, 717-27-27; факс: (0-370) 717-17-76; веб-сайт: [www.jtsu.uz](http://www.jtsu.uz), e-mail: [info@jtsu.uz](mailto:info@jtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети "Б" биноси, 2-қават, кичик анжуманлар зали.

Диссертацияси билан **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг** Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (111709 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19 уй.) Тел: (0-370) 717-17-79, 717-27-27; факс.: (0-370) 717-17-76

Диссертация автореферати 2022 йил «7» Март да тарқатилди.  
(2022 йил «7» Март даги 11 рақамли реестр баённомаси).



**М.Р.Болтабаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси и.ф.д., профессор

**М.Х.Миржамолов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.н. (PhD)

**Ф.А.Керимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси п.ф.д. профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда сўнги йилларда спорт шиддат билан ривожланаётган ҳозирги вақтда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқариш механизмлари ҳам юқори даражада ривожланиб бормоқда. Дунёда кечаётган жараёнлар инсон организмидаги иммун тизими фаолиятини ошириш учун аҳолининг барча қатламларида, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, ўз-ўзини бошқариш масаласи устувор йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Кўпгина давлатларда бошқаришдаги асосий муаммо шундан иборатки, тез ўзгарувчан замонавий инновацион технологиялар шароитларида бошқариш улкан миқдордаги маълумотни қайта ишлаш ва тўғри қарор қабул қилиш тобора қийинлашиб бормоқда. Ҳозирги кунда дунёнинг барча давлатларида ушбу масала долзарб бўлиб, аҳолининг саломатлиги ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний тайёргарлигига бўлган эҳтиёжини ошириш талабини кўймоқда.

Жаҳон амалиётчи тадқиқотчилари томонидан бошқариш муаммоси, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси негизида аҳолини юриш машғулотлари асосида жисмоний имкониятларини ошириш, фаол ишчанлик қобилиятини ушлаб туриш, аҳолининг турли ёш тоифаларида жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини яхшилаш бўйича кўплаб илмий ишлар амалга оширилган. Аҳолининг жисмоний тайёргарлигини ошириш ҳамда уларнинг организмига юриш воситалари таъсирини ўрганиш муаммоларига бағишланган тадқиқотларда етарлича очиқ берилмаган. Бугунги кунда жаҳондаги ижтимоий шароитдан келиб чиқиб, аҳолининг жисмоний тайёргарлигини ошириш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқариш механизмларини такомиллаштириш учун ҳар бир инсон ўз-ўзини бошқариш усулидан фойдаланишга қаратилган тадқиқотларни илмий асослаб бериш зарурати юзага келган.

Республикамизда сўнги йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси негизида аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Аҳолининг жисмоний ва ақлий қобилиятини ошириш соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш»<sup>1</sup> вазифаси белгилаб берилган. Жисмоний тарбия ресурсларидан тўғри фойдаланиб юриш воситалари асосида аҳолини юришга бўлган қизиқишини ошириш ва улар учун алоҳида юриш дастурини ишлаб чиқиш, юриш воситалари ҳамда услубларини табақалаштириб, оқилона танлаш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш хусусиятлари ўрганилмаган. Бугунги кунда аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга имкон берувчи тараққиётнинг объектив қонунларига мослашиши, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлом турмуш тарзини шакллантириш

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 30-октябрдаги ПФ-6099-сон “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони Lex.uz

хамда шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш, ундан самарали фойдаланиш вазифаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”, 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 ноябрдаги 735 сон “Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қуватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори хамда мазкур соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзуга доир илмий-методик адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, республикамизнинг қатор олимларидан Д.Рахматуллаев, Р.Х.Жўраев, С.Т.Турғунов, З.Т.Ғуломов, Р.Х.Набиуллин, М.Р.Болтабаев, К.Д.Ярашев, К.Ш.Зиядуллаев, А.О.Очилов,<sup>2</sup> янги педагогик усуллар ва замонавий ўқув-услугий қўлланмалар ишлаб чиқиш, бошқаришнинг замонавий янги мазмунини яратиш ва муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайдилар.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тизимга солиш, ушбу соҳани бошқариш механизмларида янги инновацион технологияларни қўллаш аҳамиятини тадқиқ қилишган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан М.Х.Саидова, Бича Джона, Саймона Чедвика, В.Ю.Волков<sup>3</sup>,

---

<sup>1</sup>Джураев Р.Х. Турғунов С.Т.”Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда менежментнинг асосий тушунчалари Тошкент: “Шарқ”, 2002 й. Б.130-134.Турғунов С.Т.”Умумий ўрта таълим муассасалари директорларининг малакасини ошириш курси тингловчилари учун таълим бошқаруви (менежмент)дан ўқув дастури.-Тошкент., 2005 й. Б.190-197. Рахматуллаев Д. Стратегик менежмент асосида халқ таълими тизимини бошқариш. Тошкент-2012 й. Б. 163-169. Очилов А.О.”Таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш менежментининг хусусиятлари” дарслик Тошкент-2012 й. Б.173-180.Ғуломов З.Т., Р.Х.Набиуллин, “Жисмоний тарбия ва спорт менежменти ” Дарслик. Тошкент 2015 й. Б. 147-152.

<sup>2</sup> Болтабаев М.Р.,Ярашев К.Д.,К.Ш.Зиядуллаев “Спортда лойиҳаларни молиялаштириш” ўқув қўлланма Тошкент “Ўзқитобсавдо нашриёти” 2020 й. Б. 127-133. Б. 122-128.

<sup>3</sup> Волков В.Ю. Компьютерные технологии в физической культуре, оздоровительной деятельности и образовательном процессе В.Ю.Волков Теория и практика физической культуры 2001-№ 4. С 60-63, Саидова М.Х. Функционирование физической культуры и спорта в условиях переходной экономики Республики Таджикистан. автореф. канд. пед. наук, Душанбе, 2004. 20 с, Джона Бича, Саймона Чедвика “Маркетинг в спорте” Учебное пособие перевод М.: Алпина Паблишер 2019.С - 126-129 .

<sup>4</sup>Дупаттин Л.П. Государственное управление физической культурой и спортом дис.к.ю.н., Москва, 2000, -20с. Жолдак В.И. Менежмент спорта и туризма В.Квартальников. Учебное пособие – М.: Советский спорт, 2001. – 416 с. Друкер П.Ф. Менежмент в некоммерческой организации: принципы и практика. М.:Вильямс, 2007.-304с. Д.Фрайд “Управление спортивными сооружениями” Учебное пособие Киев олимпийская литература 2012.-26 с, Larry Degaris. “Sports Marketing Routhledge” ўқув қўлланма Т.2015 й. Б. 131-134, Neil Longley “Personnel Economics in Sports” Isenberg School of management, University of Massachusetts Amherst, USA ўқув қўлланма Т.2018 й Б.218-220.

санаб ўтилган олимларнинг илмий ишларида янги инновацион технологиялардан жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг бошқариш механизмларида восита сифатида фойдаланиш масалалари тўлиқ очиб берилмаган ҳамда амалиётга жорий қилинмаган. Бошқариш дейилганда, тизим объектига қаратилган ресурслардан тўлиқ фойдаланиш жараёни тушунилиб, уларнинг таъсири натижасида муайян функцияларни бажаради. Спорт соҳасини ижтимоий бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини қатор хорижий олимлар Л.П.Дуптаттин, П.Ф.Друкер, Д.Фрайд, В.И.Жолдак, Neil Longley, Larry Degaris<sup>4</sup> жисмоний ҳаракат фаоллигини ошириш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борганлар. Бироқ, уларнинг тадқиқот ишларида, аҳолининг саломатлиги ва жисмоний қобилиятларини оширишда, уларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тайёргарлигини ошириш ва мустаҳкамлаш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, аҳолининг саломатлиги ва жисмоний тайёргарлиги илмий-услубий адабиётларда жуда муҳим муаммо сифатида кенг муҳокама қилиниб келинмоқда. Таъкидлаш зарурки, аҳолининг саломатлиги ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тайёргарлигини юриш воситалари ёрдамида ошириш бўйича илмий асосланган ишланмалар етарли даражада очиб берилмаган. Ушбу вазифалар диссертация ишининг танлаб олинган йўналишлар бўйича умумий тушунча ва долзарблигини белгилаб беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ № V.III/57. “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий тадқиқотларини ривожлантириш жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш” мавзулари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ўз-ўзини бошқариш механизмлари ва аҳолининг юриш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда турли ёш тоифалардан келиб чиқиб турли микроциклларда стандарт вақт меъёрлари оралиғида жадаллигини ўзгартирмасдан юриш, тўрт блокли табақалаштирилган тенг навбатлаш тизимини ишлаб чиқиш;

жисмоний заиф ва жисмоний имконияти чекланган шахслар учун мушаклар тонусининг ҳолати бўйича махсус машқларни машғулотларга киритиш ва саломатлик ҳолатини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

---

<sup>4</sup>Дуптаттин Л.П. Государственное управление физической культурой и спортом дис.к.ю.н.; Москва, 2000, -20с. Жолдак В.И. Менеджмент спорта и туризма В.А.Квартальников. Учебное пособие – М.: Советский спорт, 2001. – 416 с. Друкер П.Ф. Менеджмент в некоммерческой организации: принципы и практика. М.:Вильямс, 2007.-304с. Д.Фрайд “Управление спортивными сооружениями” Учебное пособие Киев олимпийская литература 2012.-26 с, Larry Degaris. “Sports Marketing Routhledge” ўқув кўлланма Т.2015 й. Б. 131-134.

аҳолининг барча ёш тоифалари учун қадамлар сони ҳамда ҳаракат траекторияси бўйича юриш турларини тақсимлаш ва юриш ҳаракатларини ривожлантириш хусусиятларини асослаш;

аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, имконияти чекланган шахслар учун имконият даражасида уй шароитида тиззада бажариладиган машқлар блокинни такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарақанд вилоятидаги жисмоний соғлом, жисмоний заиф ҳамда имконияти чекланган, барча ёш тоифасидаги аҳолининг пиёда юриш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни жисмоний тарбия ва спорт соҳаси фаолиятининг ҳудудий ҳолатини ўрганиш орқали аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ҳамда ўз-ўзини бошқариш механизмларида пиёда юриш жараёнининг мазмуни ва тузилиши ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда илмий-услубий адабиётларни таҳлил этиш ва умумлаштириш, педагогик кўзатув, ижтимоий сўровномалар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқариш бўйича ўқув-услубий адабиётларнинг таҳлили, педагогик тажриба ҳамда математик-статистик усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда турли ёш тоифаларини ҳамда функционал ҳолатини инобатга олиб, турли микроциклларда стандарт вақт меъёрлари оралиғида юриш жадаллигини ўзгартирмасдан бир маромда темпни ушлаб туриш ҳисобига тўрт блокли табақалаштирилган бардошли юриш (ўрта тезликда, ўрта темпда юриш, спортча юриш сўнгра бир дақиқа сокин юриш, тенг навбатлаш) тизими ишлаб чиқилган;

жисмоний заиф ва имконияти чекланган шахслар учун тана қисмлари ҳаракат уйғунлигини симметрик ривожланиши учун мушаклар тонусининг ҳолати бўйича мустаҳкамловчи ҳамда бўшаштирувчи машқларни машғулотларга киритиш ҳисобига бардошли ўрта тезликда юриш имкониятлари такомиллаштирилган;

аҳолининг барча ёш тоифалари учун ер сатҳига нисбатан текис, нотекис, баланд ва пастликда қадамлар сони ва юриш тезлигидаги ҳаракат траекториясини умумий оғирлик марказини сақлаш эвазига бел мушакларини статик ва оёқ мушакларини динамик тартибда юриш ҳаракатларини ривожлантириш имконияти кенгайтирилган;

аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун пиёда юриш масофаси ҳамда вақт меъёрларидан келиб чиқиб сарфланган энергия ва юрак қисқариш сонига нисбатан имконияти чекланган шахслар учун уй шароитида тиззада бажариладиган машқларини ҳисобига табақалаштирилган машғулот блокинни ишлаб чиқиш эвазига ўз-ўзини бошқариш механизми такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагидан иборат:

тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, вилоят миқёсида аҳолининг жисмоний тайёргарлигини аниқлаш ҳамда соғлом турмуш тарзи шакллантирилган;



аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун пиёда юриш турлари бўйича ўн минг қадам юришнинг машғулот блоки ва ҳафтанинг олти кунига мўлжалланган машғулот режаси ишлаб чиқилган;

жисмоний заиф ва жисмоний имконияти чекланган шахслар учун тана қисмлари ҳаракат уйғунлигини симметрик ривожланиши учун мушаклар тонусининг ҳолати бўйича мустаҳкамловчи ҳамда бўшаштирувчи машқлар блоки ишлаб чиқилган;

аҳолининг ўз-ўзини бошқариш тизимида ўз маҳоратини ошириш юриш турларидаги машқларни бажариш ҳамда такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Дастлабки маълумотни тўплаш ва ишлаб чиқишда тадқиқот предмети, мақсади ва вазифаларига мос кенг қамровли замонавий педагогик ҳамда математик-статистик услублардан мантқан амалий фойдаланилганлиги, тажриба натижаларини қайта ишлаб чиқишда сон ва сифат таҳлилларнинг уйғунлиги, тажриба материалининг математик тўғри ишлаб чиқилганлиги, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги хорижий ҳамда республикамиз олимлари, соҳа фаолиятидаги амалиётчи мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи омиллар тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги билан белгиланади, тадқиқот натижаларининг таҳрир қилинувчи, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси рўйхатига киритилган илмий нашрларда эълон қилинганлиги билан таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот жараёнида олинган натижалар аҳоли саломатлигини мустаҳкамловчи пиёда юриш тадбирларини ташкил қилиш ҳамда ўтказиш, ҳаракат фаоллигини ошириш жисмоний тарбия ва спорт соҳаси негизида аҳолининг ўз-ўзини бошқариш механизмлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, аҳолининг барча қатламларида юриш турларини такомиллаштиришда, жисмоний заиф инсонларни ҳаракат фаоллигини оширишда, жисмоний имконияти чекланган инсонларни саломатлигини мустаҳкамлашда, аҳолини жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш, ортиқча вазнга эга бўлган аҳолини юриш машқлари орқали жисмоний тайёргарлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ўз-ўзини бошқариш механизмларини такомиллаштириш услубияти юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

аҳолининг ҳаракат фаоллигини ошириш учун функционал ҳолатини инобатга олиб ишлаб чиқилган ўз-ўзини бошқариш тизими бўйича таклиф ва тавсиялар “Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Самарқанд давлат университетининг 2020 йил 30 июндаги 4-сон қарорига асосан 275-рақамли гувоҳномаси). Натижада жисмоний ҳолати бўйича юриш турлари орқали аҳолининг саломатлик даражаси самарадорлиги 13-14% га яхшиланган;

жисмоний заиф ва жисмоний имконияти чекланган шахслар учун тана қисмлари ҳаракат уйғунлигини симметрик ривожланиши учун мушаклар тонусининг ҳолати бўйича мустаҳкамловчи ҳамда бўшаштирувчи юриш машқларни машғулотларга киритиш ҳисобига бардошли ўрта тезликда юриш (қадамлар сони, юриш масофаси, вақти) Самарқанд вилоятининг жисмоний заиф аҳолисига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 4 февралдаги 03-07-08-424-сон маълумотномаси). Натижада жисмоний заиф ҳамда жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг саломатлик даражаси 8-10% га яхшиланган;

аҳолининг барча ёш тоифалари учун ер сатҳига нисбатан текис, нотекис, баланд ва пастликда юриш турларини, босқичма-босқич самарали амалга ошириш ҳамда аҳоли саломатлиги мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган юриш машғулотлари Самарқанд вилояти аҳолисига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 4 февралдаги 03-07-08-424-сон маълумотномаси). Натижада аҳоли ўртасида кам ҳаракатчанликнинг 12-13 % га камайишига эришилган;

аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун юриш масофаси ҳамда вақт меъёрларидан келиб чиқиб сарфланган энергия ва юрак қисқариш сонига нисбатан, табақалаштирилган машғулотлар блокинни ишлаб чиқиш эвазига уй шароитида бажариш ўзини бошқариш имконияти бўйича таклиф ҳамда тавсиялар “Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Самарқанд давлат университетининг 2020 йил 30 июндаги 4-сон қарорига асосан 275-рақамли гувоҳномаси). Натижада, барча туманларда яшовчи аҳолининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги 12% га ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг натижалари бўйича 2 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий-услубий иш, жумладан 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола, (3 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 4 та бобдан иборат бўлиб, 129 саҳифали матн, 11 та расм ва 19 та жадвал, хотима, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган, жорий этиш далолатномаларидан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация

мавзуси тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгиликлари, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузулиши, ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг ҳолати уларни бошқариш механизмларини илмий-назарий таҳлил қилиш”** деб номланган биринчи бобида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқариш тизими муоммолари ўрганилганлик даражаси рақамларда холислик, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқаришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида етиб келмаслиги замонавий ва тез ўзгарувчан дунёдаги инновацион технологиялар шароитида раҳбарга улкан миқдордаги маълумотни ишлаш тўғри қарор қабул қилиш ҳамда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган бошқарув соҳасидаги муоммолар қийинлашиб бораётганлиги таъкидланган.

Бошқарувнинг моҳияти, пироварди қуйидагилардан иборат:

- бошқарув ҳамда уни ўраб турган муҳит аҳолининг жисмоний ҳолати тўғрисида маълумотни тўплаш зарур;
- тўпланган ушбу маълумотни алоқа каналлари бўйлаб қайта ишлаб истеъмолчиларга жўнатиш;
- бошқарув буйруқларини шакллантириш мақсадида ахборотни қайта ишланишини амалга ошириш;
- бошқарув буйруқларини амалга ошириш яъни таркибида буйруқ бўлган маълумотни ижро органларига узатиш;
- тегишли ҳаракатларни ва назоратни амалга ошириш.



**1-расм. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқаришнинг статистик маълумотлари кўриниши. (В.М.Глушков) усулида**

Биринчи расмда бошқарувчи тизим бошқариш объектига ушбу объект ўзини қандай намоён қилиши кераклиги тўғрисида бошқарувчи қарорларни ўз ичига олган бошқарувчи маълумотлар узатиш орқали таъсир кўрсатиши ифодаланган. Бошқарувнинг ҳолати аҳоли тўғрисидаги ҳужжатларнинг миқдори ва сифат хусусиятларини, унинг мазмуни ва моҳиятини билишни талаб қилади. Шундай қилиб, бошқарув тизими иккита тизим-бошқариш объекти ва бошқарувчи тизим жамланмаси сифатида баҳоланиши мумкин. Қайд этамизки, бошқариш мақсадига эришишни таъминлайдиган бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш учун ташқи муҳит ҳолати ва бошқариш объекти тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак. Бундай маълумотни узатиш канали «тескари боғланиш» деб номланади.

Маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики жисмоний тарбия ва спорт соҳасида негизида ҳар бир аҳолин ўз-ўзини бошқариш муаммолари бўйича Д.Рахматуллаев, Р.Х.Жўраев, С.Т.Турғунов, (2002), З.Т.Ғуломов Р.Х.Набиуллин (2015), М.Р.Болтабаев, К.Д.Ярашев, К.Ш.Зиядуллаев (2020), А.О.Очилов (2012), каби мутахассислар ўзларининг илмий-услубий ишларида бошқарув тизими жараён ҳамда бошқариш сифатида кўриб чиқилган, бу қатъий ажратиш эмас, чунки жараён ҳам бир хил тизим сифатида қаралиши мумкин. Хорижий олимлар Л.П.Дупаттин, П.Ф.Друкер (2007), Д.Фрайд (2012), В.И.Жолдак (2001), Neil Longley (2018), Larry Degaris (2015), ҳамда бошқалар бошқариш бўйича изланишлар олиб боришган.

Қиёсий таҳлил натижалари бугунги кунда аҳолининг ўз-ўзини бошқаришда ўзларининг бўш вақтларидан унумли фойдаланиб, инновацион методлар ёрдамида юриш орқали саломатлигини мустаҳкамлаш, функционал ривожлантириш ва жисмоний тайёргарлик даражасини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари етарли эмаслиги, тадқиқот предмети сифатида тўлиқ ўрганилмаганлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Тадқиқот усуллари ва уларни ташкиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, сўровнома, педагогик кузатув, пульсометрия, инструментал усул, тадқиқотни амалга ошириш бўйича педагогик тажрибалар, тадқиқотни ташкил қилиниши, олинган материалларни қайта ишлаш бўйича математик статистика усулларида фойдаланилганлиги ҳамда вақт меъёрлари асосида аҳолининг барча ёш тоифалари учун юриш турларини ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Тадқиқот ишлари 2017-2020 йиллар давомида уч босқичда ўтказилди.

Тадқиқот қуйидаги босқичлардан иборат:

Биринчи босқичи назарий-изланиш босқичи 2017-2018-йиллар мобайнида ташкил этилиб, Самарқанд вилояти Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ҳамда туманлардаги Жисмоний тарбия ва спорт бўлимларида ўтказилди. Тадқиқот муаммосининг ҳолатини ўрганиш таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлиб, назарий манбалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганиб чиқилди, педагогик кузатув услублари танлаб олинди, Самарқанд вилоятидаги туманларда яшовчи аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда

соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун юришнинг табақаштирилган дастури ёрдамида аҳолининг жисмоний тайёргарлигини ошириш мазмуни ўрганилди, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти тўғрисидаги ҳолатлар аниқлаштирилди ҳамда тўлдирилди, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети шакллантирилди, педагогик тажрибанинг дастлабки блоки ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқич изланишли тажрибавий босқич 2018-2019-йиллар мобайнида ўтказилди. Ушбу босқичда асосий эътибор аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ҳолатини таҳлил қилишга қаратилди, аҳоли орасида сўровнома ўтказилди ҳамда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун пиёда юришнинг табақаштирилган дастури ёрдамида аҳолининг жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича қўйиладиган талаблар табақалаштирилди. Аҳолининг турли қатламлари орасида пиёда юриш жараёнида муаммоларнинг намоён бўлиши табақалаштиришга қаратилган машқлар турлари юзасидан педагогик кўзатувлар ўтказилди.

Самарқанд шаҳри, Тойлоқ, Жомбой, Ургут, Самарқанд, Пахтачи, Нарпай, Каттакўрғон, Пастдарғом, Нуробод ва Қўшрабат туманлари аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашда юришнинг табақаштирилган дастури ёрдамида аҳолининг жисмоний тайёргарлигини ошириш ҳамда табақалаштиришнинг тажрибавий услубияти ишлаб чиқилди.

Учинчи босқич якунловчи баҳоловчи босқич 2020 йил ноябрь - декабрь ойларидан ташкил этилди. Тадқиқот ишлари Самарқанд вилояти туманларининг турли қатламларида яшовчи аҳоли ўртасида олиб борилди, асосий педагогик тажриба ҳамда унинг натижаларини баҳолаш амалга оширилди, хулосалар шакллантирилди, тажрибавий услубиятни қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди, диссертация иши расмийлаштирилди.

Диссертациянинг **“Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда намунали тизим (дастур) ишлаб чиқиш ва фойдаланиш услубияти”** деб номланган учинчи бобида ўтказилган жорий тадқиқотлар натижаларининг қиёсий таҳлили бўйича маълумотлар таҳлил қилинган. Аҳолининг барча ёш тоифалари саломатлигини мустаҳкамлаш учун вақт меъёрларига нисбатан пиёда юриш туларини табақалаштириш, жисмоний заиф ҳамда имконияти чекланган инсонлар учун пиёда юриш турлари бўйича машғулоти блокади ёритиб берилган. Аҳолининг турли қатламларида ҳаракат фаоллигини ўрганиш бўйича ўн минг қадам дастури негизида текис (тўғри ва айланма) ҳамда нотекис (баландликка ва пастликка нисбатан) пиёда юриш механикасини қўллаш услубияти тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар давомида аҳоли саломатлиги ҳамда уларнинг жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлашда ўн минг қадам пиёда юришни, аҳолининг турли қатламларида ҳаракат фаоллигини ошириш бўйича машқлар мажмуаси ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ қилинди(2 -расмга қаранг).

**Аҳоли саломатлиги ҳамда уларнинг жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлашда ўн минг қадам пиёда юришни, аҳолининг турли қатламларида ҳаракат фаоллигини ўрганиш бўйича табақалаштирилган МАШҒУЛОТ ВОСИТАСИ**

**ВОСИТАЛАРИ**



2-Расм. Аҳоли саломатлиги ҳамда уларнинг жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлашда пиёда юриши, аҳолининг турли қатламларида ҳаракат фаоллигини ошириш бўйича машқлар мажмуаси

Ҳар бир босқич охирида назорат меъёрлари ҳамда нормативлари аҳоли саломатлигини ҳамда жисмоний тайёргарлиги ҳолатини билиш мақсадида назорат машқлари олиб борилди.

Якка тартибда ҳолатга қараб, агар спорт билан шуғулланмай қўйганига анча бўлган бўлса, кунига ўн дақиқалик ҳаракатланиш билан бошлаш тавсия қилинади, ҳафтасига юриш вақтини беш дақиқагача ошириб борилади. Ушбу босқичма-босқич ёндашув организмнинг мослашишига ёрдам беради ва шикастланиш хавфини камайтиради. Сиз одатдаги тартибингизни қайта тузиб чиқмасдан ҳам ўша миқдордаги калорияни парчалайсиз ҳамда соғлиқ учун бир хил фойда оласиз унча юқори бўлмаган тезликдан бошланг.

Пиёда юриш турларининг ёшга қараб, қадамлар сони, босиб ўтган масофаси, сарфлаган ккал ҳамда ЮҚЧ лари аниқланди. 13-17 ёшдагиларга 10 дақиқа (гипертонияни олдини олиш), 15 дақиқа юриш (ортиқча вазни камайтириш), 20 дақиқа юриш (асаб тизимини тинчлантириш), 25 юриш дақиқа (кайфиятни кўтариш), 30 дақиқа юриш (уй шароитида тиззада юриш), 35 дақиқа (тушқинликни енгиш), 45 дақиқа юриш (шамоллашни олиш), 60 дақиқа юриш (юрак хасталигини олдини олади)ларда қадамлар сони, босиб ўтилган масофаси, сарфлаган энергия ҳамда ЮҚЧ кўрсаткичлари ишлаб чиқилди аҳоли саломатлиги ҳамда соғлом турмуш тарзини мустахкамлашда жисмоний тарбия воситалари юришдан фойдаланиш, албатта ўз самарасини беради. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, биз тамонимиздан тавсия этилаётган аҳоли саломатлигини мустахкамлаш учун пиёда юришнинг табақаштирилган дастури айнан шунга қаратилган.

Аҳоли саломатлигини мустахкамлашда ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш пиёда юришнинг табақалаштирилган дастуридан фойдаланиш натижасида шаҳар ва қишлоқ жойларда аҳоли учун ўз ўзини бошқариш пиёда юриш саломатлик картатека тизими ишлаб чиқилди.

Тадқиқот жараёнида аҳолини жисмоний тайёргарлигини ошириш мақсадида биз тамонимиздан олти ҳафталик уч босқичли пиёда юришнинг табақалаштирилган дастури ишлаб чиқилди ҳамда ушбу машғулот дастурида ўн минг қадам пиёда юришнинг бажарилиш вақти, ҳажми такрорлашлар сони, машғулотларда уларнинг бажарилиш кетма-кетлигини машғулот блокади батафсил кўриб чиқамиз (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал**

**Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун пиёда юриш турлари бўйича ўн минг қадам юришнинг табақалаштирилган машғулоти блоки**

Т/р	Юриш турлари	1-хафта	2-хафта	3-хафта	4-хафта	5-хафта	6-хафта
<b>I. Блок. Бардошли ўрта тезликда юриш</b>							
	<b>Бардошли ўрта тезликда юриш ҳафтада уч кун</b>	25 дақиқа юриш	30 дақиқа юриш	35 дақиқа юриш	40 дақиқа юриш	45 дақиқа юриш	50 дақиқа юриш
<b>II. Блок. 4+2-х 4 дақиқа тез юриш, сўнгра 2 дақиқа ўрта темпда юриш</b>							
	<b>Ўрта темпда юриш ҳафтада бир кун</b>	4/2 х 2 дақиқа тез юриш, сўнгра икки дақиқа ўрта темпда. Икки марта такрорланди	4/2 х 3 дақиқа тез юриш, сўнгра икки дақиқа ўрта темпда. Уч марта такрорланди	4/2 х 4 дақиқа тез юриш, сўнгра икки дақиқа ўрта темпда. Тўрт марта такрорланди	4/2 х 4 дақиқа тез юриш, сўнгра икки дақиқа ўрта темпда. Тўрт марта такрорланди	4/2 х 5 дақиқа тез юриш, сўнгра икки дақиқа ўрта темпда. Беш марта такрорланди	4/2 х 5 дақиқа тез юриш, сўнгра икки дақиқа ўрта темпда. Беш марта такрорланди
<b>III. Блок. Спортча юриш, сўнгра бир дақиқа сокин юриш</b>							
	<b>Спортча юриш, сўнгра бир дақиқа сокин юриш</b>	30/1х8 сониялик спортча юриш, сўнгра бир дақиқа сокин юриш саккиз марта такрорланди	30/1х12 сониялик спортча юриш, сўнгра бир дақиқа сокин юриш ўн икки марта такрорланди	30/1х16 сониялик спортча юриш, сўнгра бир дақиқа сокин юриш ўн олти марта такрорланди	30/1х16 сониялик спортча юриш, сўнгра бир дақиқа сокин юриш ўн олти марта такрорланди	30/1х20 сониялик спортча юриш, сўнгра бирдақиқа сокин юриш. Йигирма марта такрорланди	30/1х20 сониялик спортча юриш, сўнгра бирдақиқа сокин юриш. Йигирма марта такрорланди
<b>VI. Блок. Тенг навбатлаш тизими</b>							
	<b>Тенг навбатлаш тизими</b>	Бир ярим дақиқалик тез юриш, сўнгра бир дақиқа ўрта темпда қадам босиш 6 марта такрорланди	Бир ярим дақиқалик тез юриш, сўнгра бир дақиқа ўрта темпда қадам босиш 6 марта такрорланди	Бир ярим дақиқалик тез юриш, сўнгра бир дақиқа ўрта темпда қадам босиш 6 марта такрорланди	Бир ярим дақиқалик тез юриш, сўнгра бир дақиқа ўрта темпда қадам босиш 6 марта такрорланди	Бир ярим дақиқалик тез юриш, сўнгра бир дақиқа ўрта темпда қадам босиш 6 марта такрорланди	Бир ярим дақиқалик тез юриш, сўнгра бир дақиқа ўрта темпда қадам босиш 6 марта такрорланди

*Изоҳ: Аҳолининг жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича ҳафта кунларида блоklar бўйича юриш турлари нечи марта бажариши ва такрорлашлар сони.*



Диссертациянинг “Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда пиёда юришнинг табақалаштирилган дастур самарадорлигини тадқиқотда илмий асослаш” деб номланган тўртинчи бобида амалга оширилган педагогик тажрибада олинган натижаларининг қиёсий таҳлили тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган. Тажриба давомида қўлланилган барча пиёда юриш турларининг бажарилиши ўрта темпда бўлиши керак. Аҳолининг барча ёш тоифалари учун жисмоний ҳолатини инобатга олиб вақт меъёрлари, кўрсатилган натижалари ва самарадорлигига нисбатан тақсимланган юриш турлари тавсия қилинган. Юриш турлари блокига жисмоний заиф ҳамда жисмоний имконияти чекланган шахслар учун елка, бел ва оёқ ҳамда қадди-қоматни тўғри ривожлантирувчи махсус машқлар киритилди. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун вояга етган одамда пиёда юриш пайтида вертикал йўналишдаги ҳаракатда силтаниш юқорига ҳамда пастга бунда тана битта оёққа тўлиқ таянганда, иккинчиси эса олдинга интилганда энг кўп пастга қараб туширилади гавда умумий оғирлик марказининг ён томонларга ҳаракатланиши бир томондан иккинчи томонга оғиши кузатилади. Гавда умумий оғирлик марказининг ҳар томонга қараб тебраниши, гавданинг барча массасини таянч оёққа юкланиши билан боғлиқ, шу туфайли гавда умумий оғирлик марказининг йўналиши, бевосита таянч юзанинг устидан ўтади.

Қадамнинг катталиги ўртача 66 см деб қабул қилинган, тинч ҳолатда юрилганда, унинг муддати 0,6 сония атрофида давом этади, юриш пайтида оёқ мушакларидан ташқари тана бўйин ҳамда қўлларнинг деярли барча мушаклари ишга жалб қилинади.

Юриш пайтида содир бўладиган, турли мушаклар гуруҳларининг чўзилиши, қисқариши ҳамда бўшашиши ҳолатларини кетма-кет келиши муносабати билан барча мушак тизимига тушадиган катта юклама, одатда ёрқин ифодаланган чарчаш ҳолатига олиб келмайди.

Бутун гавданинг ритмик ҳаракатлари ўпкани нормал вентилляциясини ва барча аъзолари ҳамда қон билан таъминланишини яхшиланиши билан кўпроқ тушунтирилади. Шундай қилиб, юриш бу жисмоний машғулотнинг энг яхши тури, одамнинг кинематик ва динамик тавсифларини оёқлар ёндош сегментларининг бўйлама ўқлари ўртасида ўлчаш мумкин (бўғимлараро бурчаклар) нормал ҳолатда юриш пайтида тос-сон бўғимида (ТСБ), тизза бўғимида (ТБ), болдир-ошиқ бўғимида (БОБ) ва кафт усти-бармоқ бўғимда (КУББ) бўғимлараро бурчакларнинг графикларни кўриш мумкин. Ушбу бурчаклар графикларининг (ангоулограммалар) ўзига хос хусусияти улар даврийлигининг барқарорлиги ҳисобланади, ҳар хил одамларда, фақат даврнинг ўтиш муддати ҳамда бурчакнинг ўзгариш диапазони (амплитудаси) ўзгаради ушбу амплитудалар меъёрда ТСБда 26-30, ТБда қадамнинг таянч даврида 12-15, ўтказиш даврида 55-62, БОБда оёқ кафтининг остки қисмини букиш 17-20 га орқага букиш 8-10 га тенг бўлади.

КУББ да оёқни кўтариб ўтказиш пайтида ҳар доим ҳам орқага букиш мавжуд, таянч пайтида, аввалига 0 гача тўғриланиш, кейинги депсиниш пайтида эса (таянч оёқнинг кетинги депсинишидан гавда илгарига қараб интилади), КУББда 10-12 гача яна букилиш содир бўлади.

Одам юриши пайтида таянч юза билан ўзаро ҳамкорлик қилади, бунда куч омиллари пайдо бўлади. Бу омиллар таянч реакциялари кучларининг бош вектори ва бош моменти деб номланади.

Эркин темпда юриш пайтида, таянч реакциясининг бош векторини вертикал ҳамда бўйлама ташкил қилувчиларининг типик графиклари келтирилган. Ушбу чўққиларнинг амплитудалари одамнинг массасидан ортиқ ва 1,1-1,25 Р га етади (Р-одам массаси).

Юриш пайтида қадамнинг узунлиги кўп сабабларга боғлиқ, энг аҳамиятлиси оёқларнинг узун ёки одам бўйининг узун бўлиши, тос-сон ҳамда болдир ошиқ бўғимларнинг ҳаракатчанлиги (амплитудаси) ҳисобланади. Оёқларни кенг қўйиш ҳамда оёқ учларини кучли буриш қадам узунлигини камайтиради. Якка қадамнинг узунлиги таҳминан 0.5 м дан - 1 м гача ўзгаради ва қулай темпда юриш пайтида 0.7 м - 0.8 м ни ташкил қилади.

Юриш темпининг ошиши билан қадамнинг узунлиги аввалига ортади (дақиқа 150 қадам қўйиш темпда таҳминан 0.9 м гача), кейинчалик эса бир мунча камаяди. Суръатни ошириш пайтида қадамнинг узунлиги кам миқдорда ошади: Эркакларда ўртача 2 м дан - 2.2 м гача ва оёқларда ўртача 1.7 м дан - 1.9 м гача. Одам якка қадамнинг  $L$  узунлиги,  $n$  темпи ва илгарига қараб ҳаракатланишининг  $v$ -ўртача тезлиги ўртасидаги табиий боғлиқлик кўп ҳолларда одам ҳаракатланишининг ўртача тезлиги 1.2-1.6 м/с атрофида бўлади, унинг катталиги, одам организмда энергия сарфланишини таҳлил қилиш натижасида белгиланадиган энг тежамли юришнинг тезлигига яқин.

Тадқиқотимиз давомида биз томонимиздан ишлаб чиқилган ҳамда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун ўн минг қадам юришнинг табақаштирилган дастури аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш бўйича юриш машқлари ёрдамида бажариладиган, машгулот юкламаларини мунтазам равишда бажариб борган аҳоли орасида пиёда юриш машқларини яхши бажарганлар ўз саломатлиги нуқтаи назардан соғлом турмуш тарзига ва яхши жисмоний тайёргарлигига эга бўлишди, бу кўрсаткич ёши, жинси, жисмоний тайёргарлиги ҳамда жисмоний ривожланиш даражасига қараб фарқ қилиши мумкин. Бу кўрсаткичлар ҳар бир инсоннинг ўз-ўзини бошқариши ҳамда соғлом турмуш тарзига амал қилишига қараб фарқланади.

Юриш - жисмоний фаоллик шакли сифатида: оммавийлиги; кам жароҳатлилик ҳамда қарши кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги; юклама ҳажмини танлашга имкон бериши каби бир қатор муҳим афзалликларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Нафақат қадамлар сони, балки ҳаракат фаоллигининг, сифати ҳам дам олиш давом этаётганида муҳим рол ўйнайди, скандинавча юришда қўллар ҳамда юриш учун техникага эътибор қаратиш зарур.

Биз намуна сифатида ҳар куни соғлигимизни қўллаб-қувватлаш учун қанча қадамлар беришини, вазн йўқотадиган ҳамда чидамлилик кўрсаткичларини яхшилаш билан шуғулланишимиз зарурлигини, юриш-қадамнинг узунлиги ҳамда унинг йўналишига боғлиқ. Тадқиқотга жалб этилган аҳолининг тадқиқотдан кейинги жисмоний тайёргарлик ҳолати юқоридаги назорат машқлари орқали текшириб кўрилди ва натижалар жадвал кўринишида келтирилган (2-жадвалга қаранг).

**Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун пиёда юриш турлари бўйича жисмонан  
соғлом аҳоли учун текисликда баланд ва паст жойларда юриш бўйича  
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Вақт меъёри	I-босқич текисликда юриш																					
	13-17 ёш							18-34 ёш							35-60 ёш							
	Қадамлар сони (минимал – максимал)		Юриш (км)		кклория		ЮҚС	Қадамлар сони (минимал – максимал)		Юриш (км)		кклория		ЮҚС	Қадамлар сони (минимал – максимал)		Юриш (км)		кклория		ЮҚС	
	мин	мак	мин	мак	мин	мак		мин	мак	мин	мак	мин	мак		мин	мак	мин	мак	мин	мак		мин
<b>5</b>	750	996	0,500	0,750	80	90	85	896	1758	0,650	0,748	100	120	96	698	869	0,450	0,650	90	120	97	
<b>10</b>	1350	1986	1	1,650	110	112,5	92	1621	2258	1,200	1,700	200	220	126	1290	1745	0,900	1,478	181	220	112	
<b>15</b>	2560	2689	1,800	1,930	150	168,7	95	2830	3102	1,920	2,245	310	330	131	2071	2415	1,558-	1,612	290	311	119	
<b>20</b>	3881	4002	2,600	2,640	165,2	192,8	98	4121	4468	2,568	2,724	401	440	136	2971	3875	2,125	2,248	384	415	124	
<b>25</b>	4273	4469	3,000	3,101	210	215	99	4567	4965	3,102	3,236	490	550	141	3678	3948	2,200	2,321	395	440	131	
<b>30</b>	4993	5124	3,500	3,658	230	248	103	5221	5369	3,550	3,698	578	660	143	4521	4697	2,400	2,569	500	528	135	
<b>35</b>	5374	5596	3,800	3,948	250	293	106	5786	5839	3,947	4,025	600	689	145	4961	5123	2,600	2,759	600	616	136	
<b>45</b>	6601	6748	4,300	4,425	320	342	110	7111	7214	4,500	4,635	772	792	148	5901	6125	3,500	3,658	694	720	137	
<b>60</b>	7221	7325	4,500	4,612	340	360	112	7821	7936	4,728	4,897	895	905	149	6021	6189	4,000	4,100	760	785	139	

**2- жадвал давоми**

<b>II-босқич баландликка юриш</b>																					
<b>5</b>	879	1253	0,500	0,750	110	120	98	1015	1987	0,650	0,748	120	130	102	869	1069	0,450	0,650	120	130	103
<b>10</b>	1568	2396	1	1,650	356	426	112	1798	2569	1,200	1,700	456	480	130	1356	2145	0,900	1,478	421	457	123
<b>15</b>	2894	3125	1,800	1,930	538	698	116	3026	3458	1,920	2,724	564	590	139	2689	3012	1,558	1,612	497	520	125
<b>20</b>	4102	4589	2,600	2,640	725	756	121	4369	4785	2,568	2,724	628	684	142	3857	4215	2,125	2,248	594	662	127
<b>25</b>	4378	4596	3,000	3,101	769	789	99	4697	5129	3,102	3,236	690	702	141	3769	4102	2,200	2,321	672	698	131
<b>30</b>	5128	5269	3,500	3,658	812	845	103	5369	5478	3,550	3,698	720	756	143	4648	4769	2,400	2,569	700	710	135
<b>35</b>	5497	5693	3,800	3,948	854	889	106	5864	5999	3,947	4,025	780	796	145	5102	5239	2,600	2,759	726	750	136
<b>45</b>	7125	7369	4,300	4,425	900	910	110	7236	7369	4,500	4,635	842	850	143	6089	6235	3,500	3,658	735	759	137
<b>60</b>	7425	7564	4,500	4,612	910	920	113	7985	8025	4,728	4,897	872	895	145	6258	6478	4,000	4,100	740	760	138
<b>III-босқич пастликка юриш</b>																					
<b>5</b>	658	759	0,500	0,750	80	90	101	789	896	0,650	0,748	100	110	98	569	614	0,450	0,650	100	110	100
<b>10</b>	1265	1856	1	1,650	95	100	101	1569	2015	1,200	1,700	160	180	110	1124	1724	0,900	1,478	114	126	108
<b>15</b>	2315	2569	1,800	1,930	125,5	145,1	106	2657	2978	1,920	2,245	148	169	115	2148	2378	1,558	1,612	115	127	111
<b>20</b>	2896	3125	2,600	2,640	146,3	175,5	117	3215	3945	2,568	2,724	132	154	121	2745	2978	2,125	2,248	128	158	120
<b>25</b>	4129	4348	3,000	3,101	200	210	99	4469	4859	3,102	3,236	470	490	141	3548	3869	2,200	2,321	360	395	131
<b>30</b>	4845	5001	3,500	3,658	210	230	103	5125	5239	3,550	3,698	550	578	143	4425	4548	2,400	2,569	450	500	135
<b>35</b>	5248	5459	3,800	3,948	240	250	106	5697	5758	3,947	4,025	590	600	145	4825	5000	2,600	2,759	580	600	136
<b>45</b>	6536	6658	4,300	4,425	330	342	110	7014	7145	4,500	4,635	772	792	143	5821	5963	3,500	3,658	694	720	137
<b>60</b>	7148	7236	4,500	4,612	340	360	113	7748	7845	4,728	4,897	895	905	145	5999	6011	4,000	4,100	760	785	139

**Изоҳ:** Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун пиёда юриш турлари бўйича жисмоний соғлом аҳоли учун текисликда баланд ва паст жойларда юриш меъёри

**Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун пиёда юриш турлари бўйича жисмоний заиф  
аҳолининг турли қатламлари текисликда баланд ва паст жойларда юриш бўйича  
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Вақт меъёри	I-босқич текисликда юриш																					
	13-17 ёш							18-34 ёш							35-60 ёш							
	Қадамлар сони (минимал – максимал)		Юриш (км)		кклория		ЮҚС	Қадамлар сони (минимал – максимал)		Юриш (км)		кклория		ЮҚС	Қадамлар сони (минимал – максимал)		Юриш (км)		кклория		ЮҚС	
	мин	мак	мин	мак	мин	мак		мин	мак	мин	мак	мин	мак		мин	мак	мин	мак	мин	мак		мин
<b>5</b>	500	650	0,450	0,550	100	110	100	715	1214	0,500	0,580	110	130	130	450	560	0,300	0,450	100	120	115	
<b>10</b>	1259	1789	0,852	1	110	130	96	1425	1869	1,120	1,436	180	200	128	1089	1536	0,712	0,845	210	220	113	
<b>15</b>	1917	2176	1,232	1,350	150	180	101	2278	2417	1,358	1,596	320	350	132	1717	2013	1,113	1,218	310	330	120	
<b>20</b>	2389	2567	1,417	1,555	190	200	104	2579	2813	1,617	1,718	410	460	138	2212	2385	1,369	1,417	390	420	125	
<b>25</b>	2496	2648	1,536	1,648	210	250	106	2697	2918	1,745	1,836	420	470	140	2369	2489	1,459	1,596	430	480	127	
<b>30</b>	2596	2796	1,658	1,758	230	280	108	2758	3159	1,859	2,012	440	510	142	2469	2593	1,569	1,639	450	520	129	
<b>35</b>	2685	2894	1,758	1,859	280	310	109	2896	3214	1,958	2,145	480	550	143	2569	2697	1,648	1,748	480	550-	130	
<b>45</b>	2789	2958	1,899	2,125	300	330	111	2968	3369	2,189	2,269	550	570	144	2698	2748	1,799	1,859	530	570-	132	
<b>60</b>	2859	3120	1,915	2,145	320	350	113	3125	3458	2,299	2,364	560	580	144	2798	2845	1,879	1,968	550	590-	133	

### 3- жадвал давоми

<b>II-босқич баландликка юриш</b>																					
<b>5</b>	590	697	0,450	0,550	400	440	115	1369	1547	0,500	0,580	100	150	131	520	630	0,300	0,450	100	130	116
<b>10</b>	1415	2014	0,852	1	410	430	114	1524	2113	1,120	1,436	460	490	132	1326	1676	0,712	0,845	430	470-	125
<b>15</b>	2124	2415	1,232	1,350	611	699	118	2339	2568	1,358	1,596	570	600	141	2013	2128	1,113	1,218	500	550	127
<b>20</b>	2567	2718	1,417	1,555	730	780	123	2717	2996	1,617	1,718	680	690	143	2448	2517	1,369	1,417	600	680	129
<b>25</b>	2698	2845	1,536	1,648	750	790	125	2896	3102	1,745	1,836	690	700	144	2569	2648	1,459	1,596	650	690	131
<b>30</b>	2785	2936	1,658	1,758	790	820	126	2968	3215	1,859	2,012	700	720	144	2689	2748	1,569	1,639	700	710	132
<b>35</b>	2896	3120	1,758	1,859	800	830	128	3125	3369	1,958	2,145	710	730	145	2789	2894	1,648	1,748	710	720	133
<b>45</b>	2968	3256	1,899	2,125	820	840	129	3214	3458	2,189	2,269	720	740	145	2954	3102	1,799	1,859	720	730	134
<b>60</b>	3125	3458	1,915	2,145	830	850	130	3369	3586	2,189	2,270	730	750	146	3189	3267	1,879	1,968	730	740	135
<b>III-босқич пастликка юриш</b>																					
<b>5</b>	480	640	0,400	0,500	100	110	101	691	1187	2,189	2,271	100	130	132	440	550	0,280	0,390	100	120	113
<b>10</b>	1189	1617	0,852	1	100	120	103	1314	1718	2,189	2,272	170	190	112	1110	1427	0,712	0,845	120	130	110
<b>15</b>	1816	2013	1,232	1,350	130	170	108	2186	2274	2,189	2,273	150	175	117	1618	1998	1,113	1,218	121	135	113
<b>20</b>	2278	2413	1,417	1,555	160	180	119	2419	2728	2,189	2,274	140	160	123	2114	2236	1,369	1,417	120	160	123
<b>25</b>	2356	2569	1,536	1,648	190	200	121	2596	2847	2,189	2,275	160	180	125	2236	2345	1,459	1,596	160	180	125
<b>30</b>	2458	2698	1,658	1,758	200	220	123	2698	2978	2,189	2,276	190	210	127	2345	2478	1,569	1,639	200	210	127
